

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 14-avgust, chorshanba № 61 (15699)

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Navqiron avlod so'zi

Орзулар мени олға бошлайди

Бугун мен орзулар ёшидаман. Орзу қилишдан тўхтамайман. Чунки ҳур Ўзбекистонимизда биз, ёшларнинг камол топиши, ҳар қандай юксак маррани кўзлаб, унга, албатта, етиш-моғимиз учун барча шароитлар бор.

Ҳадемай юртимиз мустақиллигининг 22 йиллигини нишонлаймиз. Катталардан, айниқса, нурунийларимиздан мана шу давр мобайнида она Ватанимиз ўз шону шавкати тиклагани, дунёда тенглар ичра тенг давлатга айланганини ҳар дафъа эшитиб, кўксим ғурурга тўлади.

Мен истиқлол даврида туғилиб, улғайяпман. Юртимизда бунёд этилган замонавий мактабларнинг бирида таълим оляпман. Мактабимизда барча фанлардан чуқур билим берилади. Шунга яраша шароитлар муҳайё этилган-да. Шу туфайли дарсга ҳар куни кўтаринки кайфият билан бораман. Ўқишларим аъло, яна жамоатчилик ишларидан ҳам четда турганим йўқ. Ҳозир мактабимиздаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти сардориман. Айниқса, 2008 йилда бу ташкилотга тантанали қабул қилинганим ва кўксимга аълолик нишони тақилган кун умрбод ёдимда қолди.

Ҳаракатнинг Бухоро вилояти кенгаши томонидан ўтказиладиган турли тадбирларда ҳам фаол қатнашиб келяпман. Бир қанча ижодий танловларда фахрли ўринларни қўлга киритганман.

2010 йил эса менга янаям катта қувонч ҳадя этди. Мен «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида ўтказилган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали лауреати бўлдим. Мазкур фестивалда ижод намуналарим — шеър, ҳикоя ҳамда мақолаларим юксак баҳоланганидан беҳад мамнунман.

2011 йилда «Бахтли болалик» лойиҳаси доирасида Республика «Камалак» болалар ташкилотининг «Ватан, дўстлик ва халқларварлик учун!» шиори остида бўлиб ўтган аънавий Х анжуманида иштирок этдим. Унда республика сардорлар кенгашининг ахборот-таҳлил ва матбуот йўналиши сардори этиб сайландим. Бу менга билдирилган юксак ишончни аналтардим.

Яқинда вилоятимизда «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унинг доирасида кўплаб тарғибот лойиҳалари амалга оширилди. Мен «Энг ёш тарғиботчи» номинацияси бўйича диплом ва қимматбаҳо совға — компьютер жамланмаси билан тақдирландим.

Эришган ютуқларим замирида истиқлол берган чексиз имкониятлар мужассам. Шу имкониятлардан фойдаланиш эса сизу бизнинг бурчимиз.

Зулфизар МАВЛОНОВА,
Бухоро шаҳридаги 17-мактаб ўқувчиси



4-, 5-бетларга қаранг

Kun yangiligi

Илғор етакчилар форуми

«Камолот» ёшлар оромгоҳида илк бор «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг республика форуми ташкил этилди. Унда «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг худудий босқичларида ғолиб бўлган 140 нафар бошланғич ташкилот етакчиси иштирок этмоқда. Улар тўққиз мингдан ортиқ етакчилар орасидан саралаб олинган илғор, ташаббускор ёшлардир.

Ушбу форум «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилмоқда. Иштирокчилар 17 августга қадар ёшлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бошланғич ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш, мактаб битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш, ёшлар ўртасида эрта тур-

муш қуришнинг олдини олиш, «оммавий маданият» ва ахборот хуружлари қарши курашда ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш, ички ишлар профилактика ҳисобида турувчи вояга етмаганлар билан ишлашни самарали ташкил этиш каби мавзулардаги семинар-тренинг ва маҳорат дарсларида қатнашиб, амалий машғулотлар олиб боришади. Форум машғулотларига республика миқёсидан етакчи

тренер ва мураббийлари жалб этилган.

— Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида Ҳаракатнинг 9665 та бошланғич ташкилоти бўлиб, уларда 3,9 миллионга яқин «Камолот» ва «Камалак» аъзолари бирлашган, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими мудири Ахтам Рўзимуродов. — Июнь-июль ойларида бўлиб ўтган маҳаллий ўқув семинарларида ва «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловида саккиз ярим мингга яқин бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этди. Ҳар бир худуддан ўн нафардан ғолиб аниқланиб, «Энг намунали бошланғич ташкилот» танлови якуний босқичига ҳамда мазкур республика форумида иштирок этишга йўлланма олди. Иштирокчилар «Энг на-

мунали бошланғич ташкилот» танловининг республика босқичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши етакчи экспертлари билан иштирок этади.

Танлов сўнгида фаолият намунаси деб топилган ўн нафар бошланғич ташкилотлар етакчиси муносиб тақдирланади.

Кеча бошланғич ташкилотлар етакчилари республика форумининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Фаниев, Халқ таълими вазири ўринбосари Абдуғани Холбеков иштирок этди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Hududlardan mujdalar

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Шовот туманида «Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ёшлар байрами ташкил этилди.

Тумандаги истироҳат боғида бир кун давом этган тадбирда уч юз нафарга яқин мактаб ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирок этди. Улар мустақиллик мавзусидаги ҳамда «Камолот» ЁИХ фаолиятига бағишланган викторина ўйинларида қатнашди. Санъатга ихлосманд ёшлар ўртасида эса асфальтга расм чизиш бўйича танлов ўтказилди. Бундай байрам тадбирлари Урганч шаҳри ва Ҳазорасп туманида ҳам бўлиб ўтди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Харакатнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан Сайхунобод туманида ёшлар ўртасида миллий кураш мусобақаси ташкил этилди.

Беллашувда Гулистон, Сирдарё, Оқолтин туманларидан келган 150 нафар ўғил бола қатнашди. Ёш спортчилар 12 вазн тоифаси бўйича ўзаро беллашди. Ҳалиқлар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

«Камолот» ЁИХ Булунгур тумани кенгаши ташаббуси билан «Кулчабий» кишлоқ фуқаролар йиғинида «Баркамол авлод тарбияси: таълим-тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасида ютуқлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Суҳбатда мамлакатимиз ёшларининг жисмонан бақувват, маънан баркамол бўлиб улғайишларида юртимизда яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, тадбир давомида истиқлол йилларида таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, спорт соҳаларида салмоқли ютуқларни қўлга киритган ёшлар эътироф этилиб, ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Ангор туманида «Юртимни обод этаман!» лойиҳаси доирасида «Хашар ёшларга ярашар!» хайрия тадбири ўтказилди.

Хашарга тумандаги барча бошланғич ташкилотлар етакчилари ва кўнгилли ёшлар жалб этилиб, Ангордаги тўққизта қабристонда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Тадбир доирасида туман ҳокимлиги ҳомийлигидаги «Ғамхўрлик» гуруҳи ижтимоий Ҳимояга муҳтож, боқувчиси йўқ қариялар, имконияти чекланганлар ҳолидан хабар олиб, моддий қўмак кўрсатди.

Таълим самарадорлигига масъуллик ҳисси

Истиқлол йиллари мамлакатимизда жорий этилган икки босқичли узлуксиз таълим тизими ёш авлодни Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда яхши самаралар бермоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодни соғлом, замонавий билим ва касб-хунар сирларини пухта эгаллаган мутахассислар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда. Ана шундай улғун мақсадда мамлакатимизнинг энг олис, чекка қишлоқларида ҳам барча қулайликларга эга умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари бунёд этилиб, замонавий усулда жиҳозланаётди. Йигит-қизларнинг билим ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун зарур шароит яратилмоқда. Истеъдодли, иқтидорли ёшларнинг изланишлари қўллаб-қувватланиб, муносиб рағбатлантирилмоқда.

Жорий йилда Сурхондарё вилоятидаги 858 умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфини 44 минг 733 ўқувчи тамолаб, узлуксиз таълимнинг кейинги босқичига йўлланма олди. Таълимнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш учун вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят

кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бошқа ташкилотлар уларни академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш бўйича сезиларли ишларни амалга оширди. Мактаб, коллеж ва маҳалла ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилди. Битирувчи йигит-қизлар академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги шароитлар ва ўқув жараёни билан яқиндан таништирилди. Қизиқарли учрашув ва суҳбатлар, кўриктанловлар ёшларни касбга йўналтириш ва келгуси ҳаётини белгилаб олишга яқиндан қўмақлашди. Маҳаллаларда махсус дафтар ташкил этилиб, битирувчининг қайси академик лицей ва касб-хунар коллежида ўқишни давом эттириши, қизиқиши, спортнинг қайси тури билан шуғулланиши мунтазам қайд қилиб борилмоқда.

Шеробод туманида 48 маҳалла фуқаролар йиғини, 68 умумтаълим мактаби ва тасвирий санъат лицейи, 9 касб-хунар коллежи фаолият юритмоқда. Туманда мактаб — маҳалла — коллеж ҳамкорлик тизимининг жорий этилгани ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари зиммасига

масъулиятли вазифа юклатди. Мазкур тизим таълим самарадорлигини янада ошириш, ўғил-қизларнинг қизиқиш ва интилишларини ўрганиш, уларни чуқур билимга эга маҳалла мутахассислар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётди. Хусусан, бу йил тумандаги умумтаълим мактабларини 3 минг 288 ўқувчи тамомлади. Уларнинг 1 минг 580 нафари қизлардир. Битирувчиларни касб танлашга ўргатиш, касбга йўналтириш ва таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш бўйича ҳамкорликда олиб борилган ишлар қўлланган самараларни бераётди. Натижада 3 минг 144 битирувчи касб-хунар коллежларида, 124 йигит-қиз академик лицейларида ўқишнинг навбатдаги босқичини давом эттириш истагини билдирди.

— Умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган ўқувчиларни академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олишда маҳалла фаоллари яқиндан қўмақлашди, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудир Икром Бўронов. — Ўқувчиларимизнинг кўпчилиги тиббиёт, таълим, молия, иқтисод, хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда ўқиш истагини билдирган эди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизи-

мида бўлиб ўтган тест имтиҳонлари якунига кўра, 114 ўқувчи Шеробод тиббиёт, 228 ўқувчи Шеробод педагогика ва иқтисодиёт коллежига қабул қилинди. Бошқа коллеж ва академик лицейларга қабул қилинган ўқувчилар ҳам маълум бўлди. Тест синовларида етарли балл тўплай олмаган ўқувчиларнинг ҳужжатлари аризасида кўрсатилган иккинчи коллежга топширилмоқда ва маҳаллалардаги махсус дафтарга қайд этилаётди.

— Айни кунларда касб-хунар коллежларига қабул қилинган ўқувчиларни махсус дафтарга қайд этмоқдамиз, — дейди «Ғалаба» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бегаля Абдувоҳидов. — Тест синовларида етарли балл тўплай олмаган йигит-қизларни аризасида кўрсатилган иккинчи касб-хунар коллежига йўналтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ўқув йили бошлангач, уларнинг давомати, бўш вақтларини қандай ўтказаяётгани, машғулотлардаги иштироки ва бошқа ишларини ҳам назоратга оламиз. Бу борада амалга ошираётган барча саъй-ҳаракатларимиз фарзандларимизни ҳар тарафлама билимли, маънавий етуқ, танлаган касбига меҳр, юртга муҳаббат руҳида тарбиялашга йўналтирилгандир.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири**

«БУНЁДКОР» тарғиботчилар гуруҳи



Айни дамда юртимизнинг барча гўшаларида, корхона, ташкилот ва муассасаларда мустақиллик байрамига қизгин ҳозирлик кўриляпти. «Камолот» ЁИХ Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалидаги бошланғич ташкилоти «Бунёдкор» меҳнат ҳаракати» лойиҳаси доирасида янги ташаббусни илгари сурди.

Жорий йилги мавсумда филиалда нафақат «Бунёдкор» талабалар меҳнат гуруҳлари, балки «Бунёдкор» тарғиботчилар гуруҳи ҳам шакллантирилди. Бу гуруҳ Ҳаракат етакчилари ва фаол аъзоларидан иборат. Улар жойларда ёшлар учун маънавий тарғибот ва маданий тадбирларни ўтказишмоқда.

— Асосан, маҳаллаларга борамиз, — дейди ТТА Урганч филиалидаги «Ка-

молот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Зуҳроб Матмуродов. — Вилояти-мизда ҳафтанинг ҳар жума куни «Маҳалла куни» деб эълон қилинган. Шу куни маҳалла фуқаролари билан учрашиб, улар билан маънавий-маърифий мавзуларда суҳбатлашамиз. Яқинда Урганч ва Қўшқўпир туманидаги бир қатор маҳаллалар ёшлари даврасида бўлдик. Ёш оилалар вакиллари билан учрашдик.

Tashabbus

Бундай ташрифлар асносида фаолларимиз томонидан маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит, жамоат тартибини сақлашга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар, оилаларнинг турмуш тарзи ўрганиб борилади. Кейин таклифларни умумлаштириб, ҳар бир маҳалла ва маҳаллий ҳокимлик органлари мутасаддиларига тақдим этамиз.

«Бунёдкор» тарғиботчилар гуруҳи тарғибот ишларини «Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида олиб бормоқда. Эътиборлиси шундаки, ушбу фаолият доирасида филиал талабалари ва профессор-ўқитувчилари томонидан қишлоқ аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Бу ишлар алоҳида тузилган режа-жадвал асосида амалга ошириляпти. Жумладан, ҳозирга қадар умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедраси вакиллари Янгиариқ туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласида, анатомия, оператив жарроҳлик ва патология кафедраси вакиллари Урганч туманидаги 6-маҳалла фуқаролар йиғинида тарғибот тадбирлари ва тиббий кўриқларни ўтказишди.

Шу билан бирга, гуруҳга кирган бир қатор иқтидорли талабалар томонидан Хива туманидаги «Куланқорабоғ» ва «Эски Қиёт», Хонқа туманидаги «Нуробод» ва «Туркистон», Урганч туманидаги «Жинговуз» ва «Нурафшон», Янгиариқ туманидаги «Уйғур» маҳаллаларида учрашувлар ташкил қилинди.

«Бунёдкор» тарғиботчилар гуруҳи жойларда ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

**Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири**

Халқаро ёшлар кунига бағишланди


Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида 12 август — Халқаро ёшлар кунига бағишланган фотокўргазма очилди

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (UNFPA) ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, билим олиши ва касб-хунар эгаллаши учун кенг шароит яратиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада кўплаб халқаро ташкилотлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси ташаббуси билан 2000 йилдан буён 12 август Халқаро ёшлар кунига сифатида кенг нишонланмоқда. Бу ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тинчлик тарафдорларини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, авлодлар ва маданиятлар ўртасидаги бирдамликни янада мустақамлаш, йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Кўргазмада «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази лойиҳалари, «Биз — 22 ёшдамиз!», «Мен ва менинг ҳаётим» йўналишлари бўйича саралаб олинган икки юзга яқин фотосурат намоиш этилмоқда. Уларда ёшлар ҳаёти, ўқиши ва фаолияти, ижтимоий-сиёсий тадбирлардаги иштироки, улкан ютуқлари турфа жанр ва услубларда акс эттирилган. Бу суратларнинг муаллифи ҳам ёшлардир.

Шу кунги БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Мил-



Ёлқин ШАМСИДИНОВ (ЎЗА) олган сурат

лий кутубхонасида БМТ ресурс хонаси ҳам очилди. Шу муносабат билан ўтказилган брифингда мазкур кутубхона директори А.Хўжаев мамлакатимизда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2011 йилда барпо этилган «Маърифат маркази» бу соҳадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Ушбу марказдан ўрин олган Миллий кутубхонада китобхонларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган. Зиё маскани олти ярим миллион нусхадан зиёд китоб хазинасига эга. Унинг электрон адабиётлар базаси ҳам тобора бойиб бораётир. Етти юз ўринли ўқув зали замонавий асбоб-ускуналар, Wi-Fi тизими билан жиҳозланган. Бундай замонавий шароит аҳолининг ушбу маърифат даргоҳига интилиши ва қизиқишини оширмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси маъмурияти бундай

имкониятлар кўламини янада кенгайтириш, кутубхонага инновацион технологияларни кенг жалб этиш мақсадида давлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда миллий ахборот-кутубхона ҳафталиклари, турли тадбирлар ташкил этилаётир. Мутахассисларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш, кутубхона хизматини такомиллаштириш, инновацион технологиялардан оқилона фойдаланиш, кутубхонада жисмоний имконияти чеklangанларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, ёшларнинг мутолаа маданиятини юксалтиришга оид семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Янги ресурс маркази аҳоли ва китобхонларга БМТнинг Ўзбекистондаги фаолиятига оид янгиликлар, турли манбалар, лойиҳалар, дастурлар ва услубий қўлланмалар базасидан фойдаланиш учун янада қулай шароит яратади.

— Алишер Навоий номида-

ги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти билан яқиндан танишар эканман, мамлакатингизда ахборот-кутубхоналар жадал ривожланаётганига, Ўзбекистонда аҳоли, айниқса, ёшларга замонавий ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига яна бир бор амин бўлдим, — деди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Приснер. — Биз Ўзбекистон билан бошқа соҳалар қатори ёшлар масаласига оид турли йўналишлар — таълим, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Ушбу ресурс хонаси китобхонларга БМТ фаолияти ҳақида кенг маълумот олиш имконини беради. Барча зарур техника ва технологиялар билан жиҳозланган бундай замонавий кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари аҳоли, айниқса, ёшларнинг илмий, маънавий ва касб салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётир.

Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбирлари

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Тўрткўл туманидаги «Лочин» болалар оромгоҳида «Озод ва обод Ватанда яшаш ўз кўлимизда» шиори остида «Биз тинчлик-парвар юрт фарзандларимиз» мавзuida тадбир ўтказилди.

«Камолот» ЁИХ Тўрткўл тумани кенгаши ва «Камалак» болалар ташкилоти аъзолари болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришларига кўмаклашиш мақсадида турли кўнгилочар ўйинлар ташкил этилди. Дастлаб жамоаларга бўлинган болалар «Кувноқлар ва зукколар» беллашувида эпчил ва ҳозиржавобликларини намоён қилишди. Шундан кейин болалар «Занжир», «Интервью», «Скотч» каби қизиқарли ўйинларда иштирок этиб, мазмунли дам олишди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Айни кунларда шаҳардаги барча қабристонларда «Юртимни обод этаман» шиори остидаги оммавий ёшлар ҳашари давом этмоқда.

«Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ишлаб чиқилган махсус жадвал асосида ҳар ҳафта белгиланган қабристонларда ҳашарлар ташкил этилмоқда. Ўтган ҳафтада Бектемир туманидаги «Қорасоқол ота», Миробод туманидаги «Қўйлик ота», Ҳамза туманидаги «Жўрабек», Сергели туманидаги «Маъруф ота» қабристонларида ана шундай ҳашарлар ташкил этилди.

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ

Вилоятдаги «Ёшлар маркази» аъзолари ташаббуси билан «Қариялар ҳамisha ардоғимизда» шиори остида акция ўтказилди.

Тадбир доирасида Наманган шаҳридаги боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож қариялар ҳолидан хабар олиниб, уй юмушларига кўмаклашилди. Лойиҳанинг иккинчи кунидида шаҳардаги бир гуруҳ кексалар «Ёшлар маркази»да карнай-сурнайлар садоси остида кутиб олиниб, улар учун кўнгилочар концерт дастури намоиш этилди. Шундан сўнг тўкин дастурхон атрофида уларга ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

«Камолот» ЁИХ Қизилтепа тумани кенгаши ташаббуси билан тумандаги «Нимкон» болалар ёзги дам олиш оромгоҳида «Биз, ёшлар соғлом турмуш тарзини танлаймиз» шиори остида туркум тадбирлар ўтказилди.

Тадбирда ёшларга иллатлардан қандай сақланиш, мунтазам спорт билан шуғулланиш борасида керакли маълумотлар бериб ўтилди. Расмлар танлови ҳамда спорт мусобақаларида фаол иштирок этган бир гуруҳ ёшлар тақдирланди.

ПОЙТАХТЛИКЛАР УЧУН МУНОСИБ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Жорий йил 12 август кунги пойтахтимизга Германиядан замонавий «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумли автобуслардан дастлабки 17 таси келтирилди. Мустақиллик байрамига яна 13 та шундай автобус келтирилиб, пойтахт йўловчиларига байрам туҳфаси сифатида хизмат кўрсатишни бошлайди.

Шундай қилиб, 1 сентябргача 30 та, сентябрь-октябрь ойларида эса 70 та, график асосида жами 100 та замонавий ва қулай автобус пойтахтимизга келтирилиб, Тошкент аҳолисининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш учун

беминнат хизмат кўрсатади. Бу ҳақда «Тошшаҳартрансхизмат» ассоциацияси матбуот хизмати вакиллари хабар беришди.

Маълумотларга кўра, Германиянинг «EvoBus GmbH» компанияси билан тузилган шартномага кўра, ҳамкорлар умумий қиймати 14 миллион еврога (100 автобус ва уларга тегишли эҳтиёт қисмлар, диагностика жиҳозлари билан бирга) тенг бўлган йўловчи транспортини етказиб беришади. Янги автобусларнинг барчаси шаҳар ички йўловчи транспорти маршрутларида фойдаланиш учун қатновга қўйилади.

Эслатиб ўтамиз, Тошкент шаҳри йўловчи транспорти эҳтиёжларидан



келиб чиқиб, ўтган йили ҳам 100 та замонавий «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумли автобус харид қилинган эди.

Фанишер ТОҲИРОВ,
«Туркстон-пресс»



ИНСОН ҚАДРИ

Инсон қадр-қиммати, шаъни... Бу ҳақида ўйлар экансиз, беихтиёр қўз олдингиздан яқин ўтмиш ўтади. Яқин ўтмиш билан ҳозирги даврни қиёслаб, маълум хулосалар чиқарасиз.

Ҳозирги аксарият ёшлар мамлакатимиз тарихи, яқин ўтмишини китоблардан ўқиб, кинофильмлар ёки телевидение кўрсатувлари орқали билишади, тасаввур қилишади. Кекса, ўрта авлод вакиллари эса мустақилликка эришгунимизга қадр Ўзбекистонда инсон қадр-қиммати қай даражада бўлганини ўз кўзи билан кўриб, жонли гувоҳи бўлган. Донолар айтганидек, кўп нарсалар холис қиёслаш асосида маълум бўлади.

Ўтган асрнинг етмишинчи, саксонинчи йиллари. Ёшлигимиз пахтазор ичида ўтди. Сентябрь ойининг бошида талабалар номигагина ўқишга боришар, тўрт-беш кун ўқиб-ўқимай, ҳамма пахта теримига жалб қилинар, бу оммавий ҳашар декабр ойининг охиригача давом этарди. Собик тузумнинг пахта сиёсати шу даражада бешафқат эдики, ёмғир, қор ёғиб турган бўлса ҳам далада пахта терилар, бу кампаниячилик кексаю ёшни аяб ўтирмас эди. Пахта олдида инсон қадр-қиммати арзимас бир нарса эди. Пахта далаларидаги шарт-ша-

роит, озиқ-овқат таъминоти аянчли аҳволда бўлиб, ҳашарчиларга кунига бир мартагина гўштсиз макарон шўрва берилар, айниқса, ёшларнинг аксарият қисми узоқ давом этган пахта терими ва оғир меҳнатдан кейин уйларига турли касалликларни орттириб қайтишар эди. Бу каби чексиз ноҳақлик, адолатсизликдан ҳеч ким ҳеч бир идора, ташкилотга шикоят қила олмас, борди-ю шикоят қилгудек бўлса, боши ба-лога қолар эди.

Ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа ҳақида ҳикоя қилсам. Кечагидек эсимда. Ўтган асрнинг олти-мишинчи йиллари ўрталари. Одамлар ночор кун кўрарди. Қишлоғимизда Темиркул тоға деган одам яшар, урушда икки тиззаси, елкасидан ўқ еб, ногирон бўлиб қолган, шу ҳолида колхознинг дала шийпонида қоровул эди. Кунларнинг бирида Темиркул тоға нураб турган пастақкина уйи ўрнида икки хоналигина уй қурадиган бўлди. Ҳашар билан пахсадан чоғроққина уй қад ростлади. Энди эса уйнинг устини ёпиш керак. Ёзнинг иссиқ кунлари ўтиб, куз



хам кириб келди, аммо Темиркул тоға уйининг усти учун ёғоч, тахта сотиб олишга курби етмай, кўп овораю сарсон бўлди. Бош сукмаган идораси, учрамаган раҳбари қолмади. Қаерга бормасин, ёлғон ваъдалар билан кўйини пуч ёнғоққа тўлдириб, кузатиб қўйишар эди. Ногирон одам, кўли калта, оиласи катта, кўп қийналганди. Ҳеч бир ташкилот унга ёрдам қўлини чўзмади.

Кеч куз, ёғин-сочин бошланган, том эса ҳали ёпилмаган. Темиркул тоға болалари билан қўшниси Мансур аканикида яшайди. Бечоранинг ярадор тиззаларини муштлаб, алаמידан йиғлаганини кўрганман. Темиркул тоға ўшанда кўли калталиқ қилиб, пули тахта, ёғоч сотиб олишга ет-

маганидан эмас, салкам беш йил урушда қон кечиби, жон олиб-жон бергани, аммо ҳеч бир кимса унинг қадрига етмагани, инсонлик шаъни топталганидан алам билан йиғлар эди. Ҳа, у пайтлари ёш эдик. Инсон қадрининг қанчалик оёқости қилингани, топталганини кўриб, жонли гувоҳи бўлиб, ёш юрагимиз қаттиқ изтиробга тушган, ўшанда. Орадан қарийб ярим аср ўтибдики, ҳали-ҳали Темиркул тоғанинг аламдан зор-зор йиғлагани кўз олдимдан кетмайди.

Хайриятки, ҳаётда яхши одамлар ҳам бор. Ҳамқишлоқлар маслаҳатлашиб, кимдир тўсин учун ҳовлисидаги терагидан берди, кимдир трактори билан тупроқ келтирди, яна биров тахта, томсувоқ учун сомон

берди, хуллас, барака топкур қишлоқдошлар Темиркул тоғанин уйини битказиб беришди.

Мустақиллик туфайли биз етишган дорилмомон замонда мамлакатимизда инсон қадрининг юксак эканлигини, туман, қишлоқларда қурилаётган замонавий уй-жойлар, ёруғ, саодатли кунларни кўриб туриб, ўтмиш воқеаларидан келтирган мисолларимиз ҳозирги ёшларга бир ибрат бўлиши табиий.

Қиссадан ҳисса шуки, ўша оғир даврлар болаларимиз учун эртақ бўлиб қолаверсин. Жондан азиз мустақиллигимизнинг эса, азиз ёшлар, қадрига етайлик.

Юсуф ҲАМДАМОВ,
Ўзбекистон Миллий
университети журналистика
факультети доценти

Улкан мақсадларга муштарак



Yuksalish

Мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги таълим-тарбия жараёнининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бу бўйича тегишли нормалар киритилди, кейинчалик 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури қабул қилинди.

Мазкур қонун ҳужжатларининг мақсади мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига қўшиш, юксак маънавиятли инсонларни тарбиялаш ҳамда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдек стратегик вазифаларга қаратилгани боис, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиб, ўз самарасини бермоқда.

Бугунги глобаллашув даврида замон талабига жавоб берадиган юксак маънавиятли, мустақил, мустаҳкам фуқаролик позициясига эга, билимдон инсонларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганидек: «Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсати-

нинг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз». Бундан англашиладики, комил инсон тушунчаси идеал эмас, реал тушунчадир.

Юртимизда ўн икки йиллик бепул мажбурий таълим тизими жорий этилди, ўқувчи-ёшларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда мактаб таълими еттита: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб бориляпти, таълим соҳасининг давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортди.

Ўтган давр мобайнида юртимизда таълимнинг узлуқсизлик тамойилига жиддий эътибор қаратилди. Республика-миздаги 9,5 мингдан зиёд мактабларнинг деярли ҳаммаси қайта қурилди ва таъмирланди. Ҳозир уларнинг барчаси замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланган. Ўқув жараёни сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгиланди. Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш бўйича ишлар якунига етказилди.

Айни пайтда юртимизда 1549 та ўрта махсус таълим муассасаси, жумладан, 143 академик лицей, 1406 касб-хунар

коллежи фаолият кўрсатмоқда. Ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида таълим олаётган ёшлар меҳнат бозорида талабгир 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хунарларни эгаллашлари мумкин. Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласининг давлат назоратига олингани аҳамиятга моликдир. Жорий йилнинг ўзидаёқ мактабларнинг 9-синфини тамомлаган 499 минг нафар ўқувчи таълимни касб-хунар коллежларида, 34 минг нафари эса академик лицейларда давом эттиради.

Ҳозирги кунда юртимизда 57 та олий таълим муассасаси ҳамда уларнинг 11 та филиали мавжуд, уларда 230 мингдан ортиқ талаба таълим олмақда. Шунингдек, мамлакатимизда Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби нуфузли, халқаро обрў-

эътиборга эга олий ўқув юртлари филиалларининг ташкил этилгани таълим соҳасида эришган ютуқларимиздан ҳисобланади.

Мамлакатимизда таълим тизими такомиллашиб, бугун у дунё таълим тизимига интеграциялашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ёхуд 2013 йил 28 июндаги «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ана шундай интеграциялашувни назарда тутди. Мазкур қарорларнинг ҳар бири мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон даражасига кўтаришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаши билан аҳамиятлидир.

Миллий таълим тизимизда бугун ички эҳтиёжлардан келиб чиқиб эмас, балки халқаро стандартлар асосида кадрлар тайёрлаш лозимлигига эътибор қаратилмоқда. Бу йўналиш бизнинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилишдек стратегик мақсадимизга тўлиқ мос келади. Шу нуқтаи назардан ҳар учала меъриий ҳужжатнинг мазмуни ҳам ўзбекистонлик ёшларни дунё миқёсида рақобатбардош кадрлар этиб тарбиялашда таълим тизимимизни ислоҳ қилишга қаратилган.

Давлатимиз таълим тизими ўз олдида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга муносиб ҳисса қўша оладиган эркин шахсни тарбиялашни мақсад қилган. Эркин шахс эса эркин тафаккур, эркин эътиқод ва эркин фаолиятга эга бўлган шахсдир. Эркин шахс ўз ҳуқуқлари билан бирга, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини ҳам англайди. Мустақиллик йилларида вужудга келган кадрлар тайёрлаш миллий тизимимиз воситасида эркин шахсни тарбиялашга эришилмоқда.

**Эшмуҳаммад
КОДИРОВ**

«BestSoft Challenge» ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўтган асрда автомобилсозлик саноати жуда кўплаб мамлакатлар иқтисодийнинг етакчи соҳаларидан бирига айланганди. Учинчи мингйилликка келиб эса дастурий маҳсулотлар яратиш саноати тараққиётнинг янги инновацион бўғинини ташкил этмоқда.

Дунёда IT-технологиялардан фойдаланиш даражаси ўсиб боргани сайин софтверт маҳсулотларга талаб ортиб бораверади. Ўз навбатида, миллий иқтисодиётлар учун дастурий маҳсулотларнинг миллий бозорини кенгайтириш аниқ муддао. Содда қилиб айтганда, бошқалардан сотиб олгандан кўра, ўзимизникини яратган маъқул. Бу борада эришилган амалий натижаларимиз ҳам йўқ эмас.

Ҳозирга қадар Интеллектуал мулк агентлигидан тўрт юздан зиёд дастурий маҳсулотлар рўйхатдан ўтказилган. Йил бошига нисбатан уларнинг сони юзгага ошди. Йил охирида эса янада кўпайиши кутилмоқда.

Аввал хабар берганимиздек, 13 июнь куни мамлакатимизда илк марта «BestSoft Challenge» — миллий дастурий таъминотларни яратиш танловига старт берилган эди. Ушбу ташаббус Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига тегишли. Танловни ташкил қилишда Тошкент ахборот технологиялари университети, «Ўзбектелеком» ҳамда «Самсунг Электроникс» компаниялари ҳамкорлик қилмоқда.

«BestSoft Challenge» танлови фақат ёшлар ўртасида ўтказилиб, унда ахборот технологиялари соҳасига қизиқувчи талабалар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирок этиши мумкин. Айтиш керакки, дастурий маҳсулотлар яратиш борасида юртимизда айнан ёш мутахассисларнинг салоҳияти юқори ҳисобланади. Айни кунда респуб-

ликаимизда ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлайдиган битта университет ва унинг бешта ҳудудий филиали, шунингдек, 74 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси мавжуд. Уларда жами юз минг нафарга яқин ёш таълим олмақда. Янги танлов бўлғуси IT-чиларнинг ўзларини намоён этишлари учун жуда қулай имкониятдир. Қолаверса, «BestSoft Challenge» улар учун ҳақиқий маҳорат синовига айланиши шубҳасиз.

Ҳозирга қадар танловнинг расмий веб-сайти — www.software.uz манзилида 180 нафар номзод рўйхатдан ўтган. Аҳамиятли жиҳати, ушбу номзодларнинг қарийб қирқ фоиздан ортиғи академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидир. Танлов якунига қадар иштирокчилар сони ҳам, улар томонидан тақдим этилган оригинал, қизиқарли ва фойдали дастурий маҳсулотлар салмоғи ҳам янада ортиш эҳтимоли юқори.

Эслатиб ўтамиз, «BestSoft Challenge» танловида ёшлар яқка

тартибда ёки тўрт нафар аъзодан иборат гуруҳ сифатида қатнашишлари мумкин. Унда учта: «Компьютер иловалари бўйича энг яхши ишланма», «Смартфон ва смарт телевизорлар учун энг яхши илова ишланмаси», «Миллий компьютер ёки мобиль ўйинларнинг энг яхши ишланмаси» номинациялари жорий қилинган. Ҳар бир йўналиш бўйича талабалар ва ўқувчиларнинг ишланмалари алоҳида-алоҳида кўриб чиқилад ва саккиз нафардан голиб аниқланади. Голиблар 10 миллион сўмгача пул мукофоти билан тақдирланади.

Шунингдек, «Энг яхши миллий компьютер ўйинлари сценарийси ва концепцияси ишланмаси» туб номинацияси бўйича талаба ва ўқувчилар ўртасидан яна бир нафардан голиб аниқланиб, уларга шахсий компьютер топширилади.

Танлов шу йилнинг 10 сентябрига қадар давом этади.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Zamonaviy texnologiyalar



Meridian bo'ylab

Қирқ йил дараксиз эди

Вьетнам ўрмонларидан қирқ йил аввал йўқолган ота-болани топдилар.

Аниқроғи, 82 ёшли қария Хо Ван Тан ва унинг ўғли, 42 ёшли Хо Ван Лан ҳақида ўрмонга борган сайёҳлар маҳаллий полицияга хабар берган. Маълумотларга қараганда, уйининг ёнидаги кон портлаши натижасида Хо Ван Таннинг икки фарзанди ва аёли вафот этади. Изтиробда қолган ота ўғлини олиб ўрмонга кетади.

Полиция икки кишини дарахтнинг нақ беш метр баландликдаги шохларида қурилган уйдан олиб чиқди. Улар устларига илдизлар ва барглardan кийим қилиб олган эди. Отаси вьетнам тилини тушунса-да, лекин гапиролмас, ўғли эса буткул бу тилдан беҳабар эди. Аниқланишича, улар жўхори экиб кун кўрган.

Арзанда мўйлов

Покистонлик тадбиркор Малик Амир Мухаммадхон Афридий бир неча йил олдин 76 сантиметрли мўйлови туфайли номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилган эди.

Тўрт нафар қуролланган шахс уни бир ой тутқунликда сақлаб, мўйловини олиб, кейин яна қўйиб юборганди. Бироқ айни кунларда Мухаммадхон мўйловини яна ўстирган. Бу эса тагин кимларгадир сира ёқмаган, шекилли, унга таҳдидли қўнғироклар бўлган. Эндиликда тадбиркор Пешовардан кўра хавфсизроқ Файсалободга кўчиб ўтган. Афридий соҳиб мўйлови билан одамлар эътиборида бўлишини, агар уни қиртишлаб ташласа, эътибордан четда қолишдан қўрқшини маълум қилди. Айтишларича, тадбиркор азиз мўйловини ювиб-тараш учун ойига 150 доллар харажат қилади.

Киракаш вазир

Норвегия бош вазири Йенс Столтенберг кун давомида такси ҳайдади.

Унинг сўзларига кўра, «такси одамларнинг самимий фикрлари ва очиқча сўхбатларини олиш учун қулай имконият беради». Бош вазир таксичи либосини кийиб олган. Уни баъзилар таниди, баъзилар эса, йўқ.

Вазир сўнгги саккиз йилда биринчи марта автомобиль рулига ўтирганини яширмади. Йўловчилардан бири ўқувсиз ҳайдовчини улаш педали ўрнига тормозни босган вақтда танқид ҳам қилган. Сиёсатчи машинага ўрнатилган камера орқали олинган видеони сайловолди кунлари намойиш этишни режалаштирган.

Тошбақа ҳужуми

Германияда тажовузкор тошбақага нисбатан ов эълон қилинди. Аниқроғи, Оггенридсдаги чўмилиш ҳавзасида кайман турига мансуб тошбақа пайдо бўлган.

Асосан, Канадада учрайдиган бу ваҳший тошбақанинг қачон ва қандай қилиб қўлга келиб қолгани номаълум. Германия фавкуллода вазиятлар хизмати тошбақа саккиз ёшли боланинг оёғини тишлаб, пайини узгандан сўнг хабар топди. Айни пайтда қўлда чўмилиш ман этилиши билан бирга, унинг суви қуритилмоқда. Қўл атрофи қуюқ қамишзор бўлгани сабабли, тошбақани топиш учун фавкуллода вазиятлар хизмати билан бирга, полиция ва ўт ўчириш хизмати вакиллари ҳам жалб қилинди. Хукумат тошбақани топганга минг евро мукофот ваъда қилган.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

Tadbirkor — yurtga madadkor

Истиқлол туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилди. Мамлакатимиз ички бозорида юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўпайди. Жумладан, ширинликлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошдики, бугун «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёзувли ширинлик ва қандолат маҳсулотлари харидорларга манзур бўлаётгир.

Имкониятлардан фойдаланиб

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Мирсағатов Авазбек» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган музқаймоқлар ўзининг юқори сифати билан истеъмолчилар эътиборига тушди.

— Хитой технологияси асосида тайёрланаётган «Қорақум», «Хасанбой» каби номлардаги музқаймоқларимиз ички бозоримизни таъминлашда қўл келаяпти, — дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Одилжон Бойматов.

2012 йилда хусусий корхонада 35 миллион сўмлик музқаймоқ тайёрланган бўлса, жорий йилда бу миқдорни ўртача 40-50 миллион сўмга етказиш мўлжалланапти.

Соҳибжон САЛИМОВ

Obod manzillar

Дилларда истиқлол шуқуҳи

Айни кунларда корхонамизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича белгиланган чора-тадбирлар юзасидан қизғин иш олиб борилаётгир. Ҳозирда «Гулистоншаҳаргаз» филиали шаҳар ҳудудидаги 17 та маҳаллада жойлашган 19440 та хонадонга ҳамда 811 та маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ва 25 та саноат корхонасига газ етказиб беради.

Идорамизга қарашли мавжуд 270 дона газ тақсимлаш қурилмасини техник тафтишдан ўтказиш, мукамал таъмирлаш, бўяш ишлари олиб борилди. Шунингдек, 15 километрлик ҳудудда газ қувурларини асбоблар ёрдамида текшириш, босим остида синаш ва босим остида тозалаш ишлари ўтказилди. Булардан ташқари тегишли тартибда мўриконлар созлиги текширувдан ўтказилди.

Шаҳримиздаги «Улуғобод» маҳалласида газ таъминотини яхшилаш мақсадида 2,3 километрлик газ қувурлари тортилган бўлса, «Баҳор» маҳалласидаги 420 та хонадоннинг газ таъминотини яхшилаш мақсадида демонтаж ишлари тугалланди. Айни дамда ҳудудларни тозалаш, бўяш ишлари давом эттириляпти. Истиқлол айёми арафасида шаҳримизда ўтказилаётган барча оммавий тадбирларда фаол иштирок этилмоқда.

Собир САФАРОВ,
«Гулистоншаҳаргаз» филиали бошлиғи

Балалиқнинг ширин оқлари



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган сурат

Ҳамюртимиз кейинги босқичда

Норвегиянинг Тромсё шаҳрида бўлиб ўтаётган шахмат бўйича жаҳон кубогида ҳамюртимиз, халқаро гроссмейстер Антон Филиппов иккинчи турга чиқди.

Филиппов бу ўйинга қадар россиялик Евгений Романовни мағлуб этиб, 1,5 очко билан мусобақанинг кейинги босқичига йўлланганини кўлга киритган. Эндиликда ҳамюртимиз бангладешлик Зиаура Раҳма-

надан йўллангани олиб қўйган исроиллик шахматчи Борис Гельфанд билан куч синашади. Мусобақада 128 шахмат устаси иштирок этса-да, унда фақат финалчилар номи голиб сифатида қайд этилади.

Енгил атлетикада енгиш осон эмас

Айни кунларда Москвада бўлиб ўтаётган енгил атлетика бўйича XIV жаҳон чемпионатида 206 мамлакатдан 1976 спортчи (1106 эркак, 868 аёл) иштирок этиб, 47 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бормоқда.

Ушбу жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз — Иван Зайцев (найза улоқтириш), Надия Дусанова (балан-дликка сакраш) ва Анастасия Журавлева (уч хатлаб сакраш) иштирок этмоқда. Мусобақанинг мукофот жам-фармаси етти миллион АҚШ доллари ташкил этади. Яқка тартибдаги фахрли ўринларга медал билан бирга, 4 минг АҚШ долларидадан 60

минг АҚШ долларида қадар мукофот белгиланган бўлса, жамоа ҳисобидаги ютуқларга 80 минг АҚШ доллари билан мукофот қўйилган. Жаҳон рекордини қайд этганлар қўшимча юз минг АҚШ доллари миқдоридagi мукофот билан тақдирланди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбири

ТАБАССУМ

НОЁБ ҚОБИЛИЯТ

— Биласанми, оғайни, менда бир қобилият бор. Кимнинг қандай китобларни ўқиганини билсам, унинг кимлигини айтиб бераман.

— Ие, сенда ноёб қобилият бор экан-ку. Қойил! Менинг ҳам кимлигимни айтурсан?

— Гапир, сен қайси ёзувчиларнинг асарларини ўқигансан?

— Сервантес, Гёте, Бальзак, Достоевский, Маркес...

— Сен-а? Сен шу ёзувчиларни ўқиганми-сан?

— Ҳа... ўқиганман.

— Айтайми? Сен бир ёлғончисан!

ОПТИМИЗМ

Севимли футбол жамоаси ютқазиб қўйса, «Учрашув» фильмидаги каби бир хил одамлар ўзини қўйрага жой тополмай қолади. Аммо ҳамма ҳам эмас. Бир мухлис жамоаси рақибга мағлуб бўлгач, уйига келиб дермиш:

— Бе, ҳаммаси ажойиб бўлди! Бизнинг команда урган учта бир-биридан супер голларга рақиб жамоа бечора арзизмаган, оддийгина олтига гол билан жавоб қайтарди, холос.

YON DAFTAR CHANGIZGA

Хотин ҳурмат қилса, ҳурмат кўради,
Эр ҳурмат қилса, неъмат кўради.

Ўзбек халқ мақоли

8	6	1		Дафтар қисми, қозғ	Инсон-парварлик	Муҳаммад...	Бойтасов (хонанда)	9	4	2																					
1	6	3	8	5	4				2	8					4	3															
5				6						7			6			9															
9			8				Химия (узбекча)	Циркдаги қуд-дирувчи	9			4																			
4	8	3	2	9					7			8																			
		4			7		Шеърый вазн	Тенг боғловчи			6		2																		
		6			1				5		9		4																		
8	2		1	9	4	6			4	6			7	9																	
		4	6		7								8	6	2																
							Кўрса-тиш олмоши					Моҳир	Зора, кошқи																		
								Қуақдан сув тортиш ускунаси						Қарор, аҳд		Пан-насиҳат															
Мижгов, табиати нозик		Хўкиз, буқа		Шифо-бахш гиёҳ				Шарқий Сибир-даги дарё																							
							7-нота	...була, чипор					«...иннан-кейин-чи?»																		
Ака-ука хотин-лари		Зарар		Хак-кинен (пойгачи)											Идора, маҳкама		Грек ҳарфи														
							Микроб, вирус	...Холос				Эски пахта																			
Тўлаҳў-жаев (актёр)								Шоҳ қизи		Райҳон Беруний (аллома)			Икки тоғ оралиғи		...воҳ																
Гапнинг пусти-каласи	Кафлаи ўлчаб		-бар					Фойдали қазима қидирувчи		Ўтовли қишлоқ							Гапир, сўзла														
								Шов-шув, доврўк						Билан (қисқача)																	
9		3		1				АҚШ штати			Тинч, сокин		Заҳар			1	6	3	9	4											
4				2												2															
	2			3	8					Ўз ойи																					
	1	5	4													1	8		4	9	2										
	3	4	7	8	6																										
		9	6	7									Қатор		Рўбарў, дучор	3	2	7		6	1										
2		1			4																										
		9				5															1										
							Металл пул		-шпа (дори)		Кичрай-тириш олмоши										2										
			6		7	9															7	6	3							1	9

Тузувчи: Фаҳридин Раҳимов

